



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 29 » sentabr

№ 516

Toshkent sh.

### **Коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида хотин-қизларнинг таълим олишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни илм-фанга фаол жалб этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабхаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастурда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2023/2024 ўкув йилидан бошлаб коллеж ва техникумларга қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизлар давлат гранти асосида таълим оладилар ҳамда уларнинг харажатлари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида касб (мутахассислик) бўйича таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида коллеж ва техникумлар бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумий ўрта таълим ташкилотларининг 10 ва 11-синф битиравчилари ўртасида касбга (мутахассисликка) йўналтириш ишларини доимий равишда ташкил этиб борсин.

5. Белгилансинки, коллеж ва техникумларда курилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи касб (мутахассислик) бўйича таълим оладиган хотин-қизларни давлат гранти асосида ўқитиш харажатлари:

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тизимида коллеж ва техникумлар бўлган вазирлик ва идораларга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “29” сентябрдаги 516-сон қарорига  
илова

**Коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал,  
қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи касб  
(мутахассислик) бўйича таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлиқ  
давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом коллеж ва техникумларга қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи (кейинги ўринларда – тегишли йўналишлар) касб (мутахассислик) бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинган хотин-қизларни давлат гранти асосида ўқитиши тартибини белгилайди.

2. Коллеж ва техникумларга ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар учун талаб этиладиган давлат гранти маблағлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тизимида коллеж ва техникумлар бўлган тегишли вазирлик ва идораларга (кейинги ўринларда – вазирлик ва идоралар) ажратилади.

3. Давлат гранти асосида касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизлар мазкур Низомга иловадаги схемага мувофиқ аниқланади.

**2-боб. Давлат гранти асосида касб (мутахассислик) эгаллаш истагида  
бўлган хотин-қизларни аниқлаш**

4. Коллеж ва техникумларга тегишли йўналишлар бўйича ҳужжат топширган хотин-қизлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 715-сон қарори билан тасдиқланган Профессионал таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ўқишига қабул қилинади.

5. Коллеж ва техникумларга тегишли йўналишлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинган хотин-қизлар **ўқув йилининг 10 октябрига қадар** ушбу коллеж ёки техникум директори номига давлат гранти асосида ўқиши учун ариза билан мурожаат қиласилади.

6. Аризалар тааллуқлилиги бўйича коллеж ва техникумлар томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади ҳамда умумлаштирилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаларига (кейинги ўринларда – худудий бўлинмалар) тақдим этилади.

7. Ҳудудий бўлинмалар ҳар йили **15 октябрга қадар** умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили **20 октябрга қадар** умумлаштирилган маълумотлар асосида давлат гранти асосида ўқиш учун ариза билан мурожаат қилган хотин-қизлар рўйхатини таалуклилиги бўйича тизимида коллеж ва техникумлар бўлган вазирлик ва идораларга тақдим этади.

Вазирлик ва идоралар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат асосида тегишли йўналишларга қабул қилинган хотин-қизларнинг давлат гранти асосида таълим олишлари учун зарур маблағ ажратиш юзасидан **ҳар йили 25 октябрга қадар** Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мурожаат қиласди.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вазирлик ва идораларнинг мурожаатлари асосида **5 иш куни ичида** тегишли маблағларни мазкур вазирлик ва идораларга ажратади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

10. Коллеж ва техникумлар директорлари 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида таълим оладиган хотин-қизлар учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи касб (мутахассислик) бўйича таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

**Давлат гранти асосида касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларни аниқлаш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Талабгор	Коллеж (техникум)га тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинганда давлат гранти асосида ўқиш учун коллеж (техникум) директори номига ариза билан мурожаат қиласди.	Ҳар йили 10 октябрга қадар
2-bosqich	Коллеж (техникум) директори	Аризаларни кўриб чиқади ва умумлаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари (худудий бўлинмалар)га тақдим этади.	Уч иш кунида
3-bosqich	Худудий бўлинмалар	Умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборади.	Ҳар йили 15 октябрга қадар
4-bosqich	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Умумлаштирилган маълумотлар асосида хотин-қизларнинг якуний рўйхатини шакллантиради ва тааллуклилиги бўйича тизимида коллеж (техникум) бўлган вазирлик ва идораларга юборади.	Ҳар йили 20 октябрга қадар
5-bosqich	Тизимида коллеж (техникум) бўлган вазирлик ва идоралар	Тақдим қилинган рўйхат асосида тегишли йўналишларга қабул қилинган хотин-қизларни давлат гранти асосида таълим олишлари учун зарур маблағ ажратиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мурожаат қиласди.	Ҳар йили 25 октябрга қадар
6-bosqich	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Вазирлик ва идораларнинг мурожаатлари асосида уларга тегишли маблағлар ажратилишини таъминлайди.	Беш иш кунида